

Ходжаев Сидик Ахмедович, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент. Фарғона давлат университети Orcid: 0009-0001-71492132



МИФОЛОГИЯДА УЧЛИК ТИМСОЛИНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

<https://zenodo.org/records/18728905>

Аннотация: Мақолада бадий адабиёт яратилишида учлик асосидаги мифологик тушунчаларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Бунда мифология энг қадимги таълимотлардан бири бўлиб, у мафкуравий ва синкретик характерга эга эканлиги, мифлар дунёнинг барча халқлари томонидан яратилган муштарак маданий мерослиги кўрсатилган.

Калит сўз ва иборалар: антик давр, юнон мифлари, мифология, маъбудлар ва маъбудалар, рақамли тимсоллар, учлик, фалсафий қарашлар, тадқиқот, макон, вақт, микро, макро ва мега дунёлар.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СИМВОЛА ТРИАДЫ В МИФОЛОГИИ

Аннотация: в статье ведётся речь о месте и значении мифологических понятий на основе триады в создании художественной литературы. При этом указывается, что мифология является самым древним учением, оно имеет идеологический и синкретический характер и является культурным наследием всех народов мира.

Ключевые слова и выражения: античная эпоха, греческие мифы, мифология, боги и богини, цифровые символы, триада, философские взгляды, исследование, место, время, микро, макро ва мега миры.

THE USE OF THE TRIAD SYMBOL IN MYTHOLOGY

Abstract: the article discusses the place and meaning of mythological concepts based on the triad in the creation of fiction. At the same time, it is pointed out that mythology is the most ancient teaching, it has an ideological and syncretic character and is the cultural heritage of all peoples of the world.

Keywords and expressions: ancient era, Greek myths, mythology, gods and goddesses, digital symbols, triad, philosophical views, research, place, time, micro, macro and mega worlds.

Кириш.

Мифологияда учлик тимсоли энг кўхна ва қамрови кенг рамзлардан бўлиб, яхлитлик, космик тартибни ҳамда мувозанатни билдиради. У кўп халқлар мифологик тушунчасида “ибтидо – ривожланиш – интиҳо” ёки “само – ер – ерости” каби моделлар воситасида ифодаланади. Туркий халқлар мифологиясида

эса учлик олам тузилиши, илохий кучлар ва инсон ҳаёти билан боғлиқ моделларда ўз ифодасини топади. Мифлар таркибидаги рақамли тимсоллар, асарларнинг ўзаро ўхшашлиги сюжет ва композицияда, образлар талқинида, моҳият ва шаклда кузатилади. Шундай бўлса-да, уларнинг тасвир кўлами, ифода ва баён йўсини, услубий жиҳатлари ва поэтик хусусиятлари ўзига хосдир.

Адабиётлар таҳлили ва методология.

Маълумки, рақамлар ҳам худди ёзув каби инсоният ижтимоий-маънавий ҳаёти тарихида муҳим роль ўйнаган ҳамда турли тушунча ва тасаввурлар ифодасида қўл келган. Чунончи, учликка асосланган тимсоллар генезиси ўта қадимий бўлиб, мифик тушунчалар ҳақида тасаввурларни англаган. Қадимда муқаддас, бахтли ва сеҳрли рақам ҳисобланган уч – учлик рамзи бўлиб, устуворсиз бирлик, орадан кетган бугун ва эртани ифодалаган, учликнинг шиори хурсандчилик ҳисобланган [1, 3]¹. Дунёнинг яратилиши, ибтидоий жамоанинг шаклланиши, инсон тафаккуридаги тадрижийлик сингари масалаларнинг аксарияти учлик тимсоли асосида тушунтирилган.

Турли даврларга мансуб рақамли тимсоллар талқини сюжет схемаси, образлар тизими, ғоявий жиҳатлари, структурасининг ўхшашлиги жиҳатидан уйғунлик касб этади. Рақамли тимсоллар акс этган мифлар, фольклор жанрлари ҳақидаги қайдлар В.Даль, И.Брагинский, В. Аникин, И.Левин, Д.Лихачёв, Г.Пермяков каби рус олимларининг илмий ишларида эътиборли фикрлар келтирилган.

Ўзбек адабиётшунослигида ҳам рақамлар билан боғлиқ муаммолар бир қадар ўрганилган. Хусусан, Ф. Исомиддиновнинг “Ўзбек халқ эртакларида “сеҳрли” рақамлар”[1, 3], Қ.Йўлчиевнинг “Ўзбек шеъриятида бирлик ва учлик шеър поэтикаси” монографияси [2, 111-124], М.Жўраевнинг “Ўзбек халқ эртакларида “сеҳрли” рақамлар” [3, 86-103] каби илмий тадқиқотлари мавжуд.

Натижа ва муҳокама.

Миф (юн. mythos – ривоят, ҳикоя, масал) – халқ оғзаки ижодининг энг қадим даврларида пайдо бўлган, воқелик (олам) ҳақидаги тасаввурларни конкрет образлар воситасида акс эттирувчи ривоявий асарлар[4, 174-175] Мифларнинг яратилиш даври инсоният маданий тарихидаги муҳим ҳодиса саналади. Бу даврда инсон ўзини табиатдан ажратмаган, балки унинг бир унсури деб қараган, шу сабабдан табиий мавжудликнинг ҳар бир элементини инсонлаштирган – шахслаштирган. Ўзидаги хусусиятлар ва белгиларни мана шу унсурларга кўчирган. Натижада ҳар бир нарсa – физик жисмлар ҳам, флора ва фаунага мансуб жисм ва жониворлар ҳам жонлилик, онглилик, ҳис этишлик каби хусусиятларга эга бўлади, бошқа “шакл”, “сурат”га ҳам одам кўринишлари юкланади. Мифологик тасаввурда коинот дунё дарахти шаклида ёки тирик ва улкан мавжудот шаклида намоён бўлади.

Замонавий фалсафий қарашлар илмий асосланган тадқиқотларга таянган ҳолда макон ва вақт уйғунлигидаги борлиқни талқин қилади: микро, макро ва мега дунёлар – инсоннинг тасаввур ва англаш жараёнида борлиқ шу учта дунё сифатида намоён бўлади. Микро, макро ва мега дунёни билишнинг ўзига хос

¹ Исомиддинов Фарход. Рақамлар оламида. – Фарғона, 2021. – Б 3.

хусусиятлари мутлақлаштириш, микродунё объектларини ва билиш мумкинлигини инкор этишга олиб келарди.

Мифологик тасаввур ва тушунчаларни қадимги юнон мифлари мисолида кўриб чиқсак, антик даврлардаги асосий тушунчалар аксарият ҳолларда учлик асосига қурилганини кўрамиз. Масалан, Зевс – Алкмена – Геракл учлиги. Афсонавий Геракл ярим маъбуд бўлиб, у маъбудларнинг маъбуди Зевс ва фоний аёл Алкменанинг фарзанди. Шу тариқа, чексиз Фазодан барча нарса – бутун олам ва умрибокий маъбудлар пайдо бўлди. Яна бир ибтидоий тасаввур бўйича моддий олам бўлган Она Ер Чексиз Осмон, баланд чўққили Тоғлар ва тошқин Денгизни яратган. Дунёга ҳукмронлик қилган бош маъбудлар ҳам учлик асосида гавдаланган: Уран – унинг ўғли Крон – унинг ўғли Зевс.

Завс ҳукмронлигида дунёни уч ака-ука бошқарди. Зевс осмонни ўз тасарруфига олган бўлса, Посейдон денгизга эга бўлди, Аид эса марҳумлар арвоҳи жам бўлган ер ости сатанатини танлади. Гарчи Кроннинг ўғиллари дунёни бошқаришни ўзаро бўлиб олган бўлсалар-да, уларнинг устидан Зевс ҳукмронлик қиларди, у самовот ҳукмдори эди [5, 383-385].

Учлик асосидаги яна бир антик тасаввур маҳсули бўлган манзара: юксак Олимп қопқасини уч нафар соҳибжамол Ҳоралар, яъни фаришталар қўриқлайди, улар маъбудлар ерга тушмоқчи бўлганларида ёки Зевснинг ҳашаматли қасрига кўтарилишни истаганларида қопқаларни қамраган қалин булутларни тарқатардилар.

Антик дунё вакили бўлган ровий яратган мана бу образга эътибор қаратамиз: дахшатли ҳамда уч айрили асо билан қуролланган Посейдон сал имо қилса бас, барча долғалар унга бўйин эгиб туради. Ҳеч ким қайтиб чиқа олмайдиган ғам-андух салтанати бўлган Ер ости қопқаси олдида унинг қўриқчиси – бўйнида вишшилаб турган дахшатли илонлар осилган уч бошли дўзахий кўппак – Цербер турибди. Аиднинг тахти қошида ўликлар салтанатининг ҳакамлари ҳам учликни ташкил этади – Минос ва Радамант, ўлим маъбуди Танат ҳам тахт ёнида.

Барча шарпалар ва баҳайбат зотларга улуғ маъбуда Ҳеката ҳукмронлик қилади. Унинг учта боши ва учта гавдаси бор. Жодугарликка қарши ёрдамга Ҳекатани чорлайдилар, лекин унинг ўзи унга уч йўл айрилишида ким ит қурбон қилган бўлса, ўшанга жодугарликка қарши курашда ҳомийлик қилади.

Паҳлавон Персейнинг медуза Горгонани ўлдириши ҳақидаги мифоогик афсона сюжетида ҳам бир қатор учлик рамзига асосланган ривоятларга дуч келамиз. Жумладан, қуйидаги парчага эътибор қаратайлик: Персей босиб ўтадиган йўл узоқ эди. У талай мамлакатлар оша йўл босиб, кўп элату халқлар билан танишди. Ва ниҳоят, уч опа-сингил кекса граялар яшайдиган қоронғилик мамлакатига бориб қолди. У ерда яшайдиганларнинг учтасига битта тиш ва битта кўз тўғри келарди. Улар ўша кўз ва тишдан навбат билан фойдаланишарди. Ёки навбатдаги лавҳани кўздан кечирайлик: кейинги йўлни босиб ўтиш жараёнида Персей нимфалар манзилига келиб қолди. Улардан учта совға олди: 1) ер ости салтанади ҳукмдори Аиднинг дубулғаси – уни бошига кийган киши бошқаларнинг кўзига кўринмайдиган бўлиб қолади; 2) осмон бўйлаб елдай учишга ёрдам берадиган қанотли шиппаклар; 3) сеҳрли тўрва – бу тўрва ичидаги нарсанинг катталигига кўра, гоҳ кенгаяр, гоҳ тораярди. Персей қанотли шиппакларни, Аиднинг дубулғасини кийиб, сеҳрли тўрвасини елкасига ташлаб, ҳавода горгоналар оролига елдай учиб кетди.

Буюк баҳодир Беллорофонт ҳақидаги мифларда ҳам биз айни ҳолатни кузатамиз. Баҳодирнинг хатти-ҳаракатлари, амалга оширган ишлари бошдан кечирган воқеа-ҳодисаларда ҳам учлик тимсолига қайта-қайта мурожаат қилинади.

Тарихий-афсонавий характерда бўлган воқеа ҳодисаларда ҳам сюжет элементлари, гоҳ ҳамда тафсилотларда учлик асосига қурилган ҳикоялар ўрин олган: Троя урушининг бошланишига “маъбудаларнинг энг гўзалига” деган ибора битилган олтин олмани талашган уч буюк маъбуда – Зевснинг маликаси Ҳера, жанговар Афина ҳамда олтин сочли муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси Афродита ўртасидаги баҳс сабаб бўлди[6, 45-50, 82-83].

Вақт ўлчовларида ҳам манзил-масофада ҳам учлик тимсоли асосий ўринни эгаллайди: Парис ва Елена тушган кема уч кунда Троя қирғоқларига етиб келди. Ёки: Ахилл отларини маҳодасига қўшиб, унга Ҳекторнинг жасадини боғлади ва бадбахт Приамнинг ўғлининг жасадини уч бор судраб гўртепа атрофини айланиб чиқди.

Миф ва қадимий маросим фольклорида ҳам биз сўз юритаётган мавзуга алоқадор қизиқарли маълумотларни учратамиз. Қадимги туркий дунё мифологик тасаввурларга кўра Яратгувчининг ўрни юксакда – кўкда деб қаралади. Кўк сўзининг биринчи маъноси ҳам Яратувчи демакдир: Кўк тангри. Бу сўзнинг иккинчи маъноси рангни англатади.

Инсон вафот этса, Яратувчининг ҳузурига бориб, унга қўшилиб кетади, деган қараш ҳам бор. Вафот этган кишининг уруғлари уни ёлғизлатиб қўймаслик билан бир қаторда, ўзларини ҳам бир кун шундай қисмат кутаётганини кўрсатиш учун кўк кийим кийган бўлишлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Исломиёи тушунчаларда ҳам банданинг бир кун ўз илоҳига қайтиши (“Yarji’u ila aslihi” – “Бир кун келиб ўз аслингизга қайтасиз” ояти) ҳақидаги эътиқод мавжудлиги юқоридаги мифологик тушунчалар генезисини чуқурроқ таҳлил қилишни тақозо этади.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, учликка асосланган тимсоллар генезиси ўта қадимий бўлиб, мифик тушунчалар ҳақида тасаввурларни англатган, учлик тимсоли асосидаги мифик тушунча ва тасаввурлар охир-оқибатда ижтимоий-фалсафий, бадий-эстетик, ахлокий-таълимий хусусиятларни ўзида акслантира бошлаган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Исомиддинов. Рақамлар оламида. – Фарғона, “Classic”, 2021. – 176 б.
2. Йўлчиев Қ. Типологик ўхшашликлар: бирлик ва учлик. – Т.: Turon zamin ziyo, 2016. – 224 б.
3. Жўраев М. Ўзбек халқ эртакларида “сеҳрли” рақамлар. – Тошкент. Фан, 1991. – 152 б.
4. Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент, “Akademnashr”, 2010 й. 397 б.
5. Мифы народов мира. Энциклопедия. Электронное издание. – Москва. 2008. 1147 с.
6. Валянская О.П. Женщина в мифах и легендах. Энциклопедический словарь. Ташкент. Шарк. Главная редакция энциклопедий, 1992 г. 303 с.